2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 5 (527), 2022 йил 8 январь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ПРЕЗИДЕНТ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МАЖМУАСИНИ БОРИБ КЎРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 7 январь куни Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий таълим муассасалари фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 июндаги қарорида ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимиз Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги тизим белгиланган эди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибида "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-академик лицейлари ташкил этилди.

Хусусан, Давлат хавфсизлик хизматининг "Темурбеклар мактаби" учун пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги бино қурилди.

Ташриф чоғида Президентимизга ҳарбий-академик лицейдаги ўқитиш тизими ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил октябрда бу ерга келганида ҳамда Хавфсизлик кенгашининг ўтган йилги йиғилишида ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ёшларни юртимиз тарихи ва боболаримиз жасорати асосида ватанпарвар этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берган эди.

"Темурбеклар мактаби"да ўқиш шундай ташкил этилган. Бунинг учун бешта кафедра: аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар, психология ва тарбия фанлари ҳамда касбий-амалий фанлар кафедралари очилган. Уларга юқори малакали педагоглар очиқ танлов асосида қабул қилинган.

Лицей тарих фани ва хорижий тилларга ихтисослашган. Ёшлар орасида бу ерда ўқишга интилиш жуда кучли. Жорий ўқув йилида 5 минг 600 нафар талабгордан энг билимли 100 нафари саралаб олинган. Бугунги кунда 220 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

Президент лингафон, психодиагностика ва маънавият хоналарини кириб кўрди. Амир Темур меросини ўрганиш марказида ёшлар билан суҳбатлашди.

— Мана шундай илғор мактабда ўқиётганингиз билан сизларни, ота-оналарингизни табриклайман. Сизлар Янги Ўзбекистоннинг қанотисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан! Камида икки-учта тилни, аниқ фанларни ва тарихимизни мукаммал билишингиз керак. Мана, бу мактабда психология фанини ҳам киритдик, униям яхши ўрганинг. Сизларда ҳамма имконият бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда видеоконференция орқали Тошкент, Нукус, Фарғона ва Шаҳрисабз шаҳарларидаги "Темурбеклар мактаби" ўқувчилари билан ҳам мулоқот бўлди.

Ушбу мактаблар ўқувчилари ўртасида маънавият бўйича танлов ўтказиш, Темур тузукларининг ҳар бир тузуги бўйича илмий шарҳлар ёзиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари лицей кутубхонасида ҳам бўлди. У ерда китоб ўқиб ўтирган йигитлар таълим масканида яратилган шароитлар, ўқувчилар ўртасидаги дўстона муҳит ҳақида сўзлаб берди. Улар орасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳам бор.

— Мамлакатимизда ҳеч бир бола эътибордан четда қолмайди, ҳаммасининг ривожланиши учун шароит яратяпмиз. Фақат қайси ёш ўзини қийнаб, вақтини бекор ўтказмай, кўпроқ билим олса, келажакда муваффақиятга эришади. Ҳамма буюклик ниятдан келади, меҳнатдан келади, — деди Президент.

Лицейнинг ўқув биноси, спорт зали, ётоқхона, ошхона, тиббий хизмат марказида энг замонавий шароитлар яратилган. Шунингдек, мажмуа ҳарбий машғулотлар майдони, стадион, сув ҳавзаси, автодром ва плацни ўз ичига олган.

"Темурбеклар мактаби"нинг Амир Темур номидаги Давлат хавфсизлик хизмати академияси билан ёнма-ён барпо этилгани ҳам аҳамиятли. Бу ерда талабалар ва ўқувчилар ҳамоҳанг муҳитда, устоз-шогирд, ака-ука бўлиб камолга етади.

Президент ушбу академиядаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

8 ЯНВАРЬ – ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ САРИ ЮЗ ТУТГАН КАМАРБАСТА ТУЗИЛМА

Асрлар давомида озод, эркин, фаровон ҳаёт, адолатли жамият халқимизнинг орзуси, хоҳиш-истаги бўлиб келди. Бу орзу рўёби йўлида халқимиз мислсиз машаққатларни бошидан ўтказди, курашларда тобланди, синовларни енгди. Бинобарин, эл-юртимизнинг ўтмиши айнан ана шу курашлар ва синовлар тарихидан иборатдир, десак хато бўлмайди.

Бироқ илгари бундай шонли тарихни чуқур ўрганиш, холис талқин қилиш, шу тариқа миллатимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини тараннум этиш имкони чекланган эди.

Ваҳоланки, ватанимизнинг, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди, соҳа ва тармоғи шу қадар бой ўтмишга, ноёб анъаналарга эгаки, уларнинг ҳар бири тўғрисида залварли китоблар ёзиш мумкин.

Хусусан, тараққиётимизнинг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, давлат манфаатларининг том маънодаги ҳимоячисига, қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашнинг муҳим воситасига айланиб бораётган прокуратура тизимининг ҳам узоқ йиллик тарихи, бугунги қизғин ҳамда кенг кўламли фаолиятининг ўзига хос ривожланиш босқичлари бор.

Илк марта мустақил давлатнинг прокуратураси сифатида эътироф этилган ва бу мақоми қонуний тарзда мустаҳкамланганига 30 йил бўлган тизим миллий давлатчилигимизнинг олис тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Тарихдан маълум, давлатчилик пайдо бўлибдики, тартибга солувчи қонун-қоидалар, барча учун мажбурий бўлган нормалар яратилган. Албатта, уларнинг ижроси ҳам назорат қилиб келинган. Тарихчи мутахассисларнинг қайд этишича, ислом ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш билан шуғулланувчи алоҳида тузилманинг мансабдори муҳтасиб деб юритилган.

Давоми 2-бетда

2022 ЙИЛ – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ "ЎСИШ НУҚТАСИ"

Янги Ўзбекистонда янги йилга "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили", деб ном берилди. Жорий йилга бундай ном берилиши жамият фаолиятининг барча соҳалари сингари халқ дипломатияси ривожи учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фаол маҳалла дастурини амалга оширишни, таъбир жоиз бўлса, ўзбек халқ дипломатиясининг миллий драйвери, деб баҳолаш мумкин.

Маълумки, халқ дипломатияси халқаро ҳамжамиятнинг барқарорлигини сақлашда, турли давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшашини таъминлашда муҳим омил ҳисобланиши кейинги даврда, айниқса, кенг кўламли рақамли алоқалар ривож топгани сайин янада яққол намоён бўлмоқда. Зеро, ҳар қандай давлатнинг дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини белгилашда унинг халқаро муносабатлардаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро ишончга асосланган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан тинч-тотувлик тамойили асосида мулоқот қилиш, фақат давлатлараро эмас, балки халқларнинг кенг қатлами ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ҳам кенгайтириш бугунги замоннинг асосий талабларидан биридир.

Халқ дипломатиясига, одатда, турли давлатлар халқларининг ўзаро муносабатларини янада яхшилашга қаратилган, иккинчи томондан эса, ҳар бир давлат аҳолисининг ички турмуш тарзида ҳам ўзаро бирдамликни улуғловчи "юмшоқ" куч сифатида қаралади.

Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

УЧКЎПРИК ТАЖРИБАСИ: ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР

УШБУ ТАМОЙИЛ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ТУФАЙЛИ АЙНИ ПАЙТДА БИРГИНА ТИКУВЧИЛИК СОҲАСИДА 1860 ГА ЯҚИН ХОНАДОН ДАРОМАД ТОПАЁТГАН БЎЛСА, ТЕЗ ОРАДА БУНДАЙ ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР СОНИ ЯНА МИНГТАГА КЎПАЯДИ

Бундан беш-ўн йил аввал Учкўприк тумани ҳақида сўз кетса, асосан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги амалий ишлар эътироф этилар эди. Сабаби, кўҳна Қўқоннинг шарқий ва жанубий қисмига туташ жойлашган бўлишига қарамай, Учкўприкка яқин йилларгача фақат хомашё етказиб берувчи ҳудуд сифатида қараб келинган. Манфаатдорлик ҳам шунга яраша эди. Соҳалардаги янги ғоя ва ташаббуслар қўллаб-қувватланмасди. Туманда бармоқ билан санарли саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатарди.

Давоми 4-бетда

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ҚАДРИ – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИ

Инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди.

Ўтган йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида бу борада самарали ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмларнинг татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби қатор йўналишларда салмоқли натижаларга эришилди.

Қолаверса, жиноят содир этиб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамюртларимизнинг афв этилиши ва уларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, "Меҳр" операциялари доирасида уруш ўчоқларидан аёллар ва болаларни қайтариш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги Узбекистон тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан кўп бора эътироф этилди.

Ўтган беш йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, Омбудсман фаолиятининг қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм жорий этилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар туфайли Омбудсманнинг халқаро майдондаги позицияси ҳам мустаҳкамланди.

Давоми 3-бетда

8 ЯНВАРЬ — ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАЛҚ САРИ ЮЗ ТУТГАН КАМАРБАСТА ТУЗИЛМА

Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

> **ХАЛҚ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК, ДЕГАН ТАМОЙИЛ ЖАМИЯТДАГИ УСТУВОР ҚОИДАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНДИ. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ЭНГ АСОСИЙ МЕЗОН БЎЛИБ ҚОЛДИ.**

Бошланиши 1-бетда

Табиийки, муқаддас ислом динининг кириб келиши билан юртимизда ҳам бундай назорат тизими жорий қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида қонунлар — тўра-тузуклар ижроси юзасидан таъсирчан ва қатъий назорат ўрнатилганини эса ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган амирлик ва хонликларда, Туркистон мухториятида бугунги прокуратура органлари функциясини бажарган тузилмалар, масъул лавозимлардаги мансабдорлар фаолият олиб боргани ҳам маълум.

Албатта, мамлакатимиз ҳудудида исломдан олдинги даврларда ҳам қудратли давлатлар бўлганини инобатга олсак, жамиятлардаги қонун-қоидалар ижросини назорат қилувчи институтлар ҳам бўлган.

Фикримизча, булар тарихчиларимиз, ҳуқуқшунос олимларимиз учун алоҳида тадқиқот мавзуларидир.

Таъкидлаш керак, собиқ шўролар давридаги прокуратура органларининг фаолияти ҳам ўзига хосликларга эга. Бу даврда яккаҳоким партия мақсадларига, ҳукмрон мафкура ақидаларига бўйсундирилган тизимда муайян камчиликлар, адолатсизликлар, нохолислик бўлгани табиий ва бу ҳам тарихнинг аччиқ сабоғидир.

Ниҳоят, Ўзбекистон Президентининг 1992 йил 8 январдаги фармони билан Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон прокуратурасига айлантирилди. Конституциямиз ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда мазкур орган фаолиятининг ҳуқуқий асослари баён қилинди.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев қайд этганидек, истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар қилинди, мард ва олижаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди.

Айни пайтда эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар бугунги ҳаёт ҳамда эл-юртимизнинг эртанги тақдири тақозо қиладиган объектив зарурат — Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифасини давлатимиз ва халқимизнинг олдига қўйди.

Бинобарин, нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам эътироф этаётганидек, **Ўзбекистонни тамомила ўзгартирган тараққиётнинг янги босқичига Президентимиз томонидан бундан беш йил аввал асос солинди.** Бу давр, аввало, инсон қадру қимматини жойига қўйиш, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш сари узоқ кутилган қадамлар ташлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил жамиятдаги устувор қоидалардан бири сифатида белгиланди. Давлат органларининг фаолиятида халқ билан мулоқот энг асосий мезон бўлиб қолди.

Нуфузли экспертлар ва кенг жамоатчилик хулосасига кўра, Ўзбекистон янги даврдаги Ҳаракатлар стратегияси асосида узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган қатор долзарб масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислоҳотлар нафақат тизим вакиллари, балки жамият учун ҳам оғриқли нуқталарга айланган муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш ўринлики, Президентимизнинг ташаббуси, эътибори туфайли прокуратура органларининг қиёфаси ҳам кейинги йилларда тубдан ўзгарди.

Энг муҳим жиҳат шундаки, кўрилаётган чораларнинг самараси ўлароқ, прокуратура органлари халқ сари юз тутди, уни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашадиган, **"Инсон қадри учун"** деган тамойилни рўёбга чиқаришга камарбаста бўладиган ишончли тузилма сифатида янги даврга қадам қўйди.

МУНОСАБАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: БАРҚАРОР ВА УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА ҲАМКОРЛИК МАКОНИ



Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

> **Инсон бахти учун зарур моддий ва маънавий неъматларга, аввало, тинчлик ва ҳамкорлик орқали эришилади. Осойишталик, хотиржамлик, дўстона муносабатлар барқарор жойдагина эзгу саъй-ҳаракатлар самара беради, буюк орзулар рўёбга чиқади.**

Шавкат Мирзиёев давлатимиз раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунларданоқ барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга устувор аҳамият қаратди. Бинобарин, кейинги беш йилда чуқур ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат юритилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий вазифаларидан бири — ўз ҳудуди атрофида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ҳисобланади. Айни шу боис ҳам давлатимиз раҳбари қўшниларимиз — Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни асосий устувор ташқи сиёсий йўналиш сифатида белгилаб берди.

Президентимизнинг бу борадаги ташаббуслари қўшни давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида Марказий Осиёда сиёсий мулоқот ва ўзаро ишонч мустаҳкамланди.

Натижада минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик даражаси янги босқичга кўтарилди. Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси йиллик ўртача 50 фоиздан кўпроққа ўсиб, 5,2 миллиард долларга етган. 2020 йил натижаларига кўра, глобал пандемияга қарамай Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасининг умумий ҳажми 5 миллиард долларни ташкил этди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг мана шундай яхшиланиши, умуман олганда, минтақанинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга ёрдам берди. Хусусан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистон ва минтақа мамлакатлари ўртасида 300 дан ортиқ, яъни қарийб 75 миллиард долларга тенг шартнома ва битимлар имзоланган.

Шунингдек, 2017-2020 йилларда Ўзбекистоннинг қўшни давлатларга нисбатан очиқ, конструктив, пухта ўйланган ва прагматик сиёсати натижасида сувдан фойдаланиш, давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш, давлат чегараларини кесиб ўтиш каби мураккаб ва чалкаш муаммоларга ечим топилди.

Бу жараёнда "халқ дипломатияси" амалда жуда фаол бўлгани кузатилди. Хусусан, халқ вакиллари — олимлар ва рассомлар, маданият ва дин арбоблари, ишбилармонлар ва ёшлар, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлари иштирокида юзлаб турли учрашув, анжуман, видеоконференция ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Жаҳон ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва роли ошиб бораётганини минтақада ва бошқа чет эл мамлакатлари ҳамда халқаро бирлашмалар ўртасида мулоқотнинг турли форматлари ташкил қилинаётганида кўришимиз мумкин. Охирги йилларда "Марказий Осиё — Ҳиндистон", "Марказий Осиё — Хитой" ва "Марказий Осиё — Россия Федерацияси" сингари янги форматлар вужудга келди. Бу эса минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари эътиборини тортганини кўрсатяпти.

Марказий Осиёда шаклланган дўстона ва яхши қўшничилик муҳити сабабли минтақанинг инвестицион-иқтисодий салоҳияти ҳам ошиб бормоқда. Прагматик минтақавий сиёсат юртимизнинг халқаро нуфузини ошириб-гина қолмай, Марказий Осиёнинг барқарор ва улкан имкониятларга эга ҳамкорлик маконига айланишига хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг нафақат минтақавий, балки глобал ташқи сиёсати ҳам сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз Россия, АҚШ ва Хитой каби етакчи давлатлар, Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси ва Япония, шунингдек, Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи, араб-мусулмон ҳамда туркий тилли давлатлар билан ўзаро манфаатли, самарали ва кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон бугун ўзининг узоқни кўзлаган сиёсати билан минтақамиз ва жаҳондаги сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Парламентлараро Иттифоқ, Европа Иттифоқи, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди.

Мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик иттифоқи ҳузурида кузатувчи мақомини олди. Ўзбекистон ўз тарихида биринчи марта БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди ва унинг ўтган йили Женева шаҳрида бўлиб ўтган 46-сессиясида муваффақиятли иштирок этди.

Шунинг баробарида халқаро ишбилармон доиралар билан алоқаларни фаоллаштириш, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни жадаллаштириш иқтисодий дипломатиямизнинг муҳим йўналишларига айланди.

Албатта, кичик бир мақолада ташқи сиёсатда эришилган барча ютуқлар, ижобий ўзгаришлар ва уларнинг самараларини батафсил, атрофлича баён қилишнинг имкони йўқ. Шундай бўлса-да, бизнингча, юқорида айтилганлар бу борада қанчалик илгарилаб кетганимизни англаш учун кифоя қилади.

Эътиборлиси, қўлга киритилган муваффақиятлар билан, улар қанчалик салмоқли бўлмасин, қаноатланиб қолаётганимиз йўқ. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида келгуси йилларда мамлакатимиз ташқи сиёсатини янги, юксакроқ даражага олиб чиқиш бўйича бир қанча муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилади, асосий хорижий шериклар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқалар янада кенгайтирилади. Марказий Осиё давлатлари билан стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқалар янада мустаҳкамланади. Президентимиз таъкидлаганидек, биз — дунёга, дунё — бизга очиқ бўлиши керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз, аввало, халқимиз, Ватанимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилмоқда. Зеро, Янги Ўзбекистон — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт яратиб бериш бўлган давлатдир.

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ "ЎСИШ НУҚТАСИ"

Қобилжон СОБИРОВ,
Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази директори

Бошланиши 1-бетда

"Юмшоқ" куч, деганда ташқи муносабатда ҳам, ички муносабатда ҳам муайян халқнинг ўзида мавжуд бўлган бағрикенглик туйғуларини бошқалар билан баҳам кўришга, ҳар бир инсоннинг бошқа бир инсонга ўзаро ишонч ва ҳурмат билан ёндашишига, ҳар қандай мулоқотда фақат яхшиликни мақсад қилишга рағбатни тушуниш лозим. Зеро, ҳар бир халқ фақат ўзига хос бўлган ички қурилмаси билан, ўз ривожига мантиқий асос бўлган дунёқараши билан дунё маданиятига ҳамоҳанг бўла олади.

Янги асримизнинг халқаро муносабатларга оид жараёнлари халқ дипломатияси жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларга билвосита ёки бевосита таъсир эта олувчи тўлақонли омил сифатида ўзини намоён қилаётганини тасдиқламоқда. Аҳолининг кенг қатламидан ташкил топган ушбу ижтимоий фаоллик халқаро муносабатлар ривожида ҳам давлатнинг расмий идоралари қатори тобора фаолроқ иштирок этмоқда. Ахборот алмашиш кўламининг кескин кенгайиши эса, дунё халқлари ва улар вакилларининг ўзаро муносабатларини чегара билмас даражада яқинлаштирмоқда. Ушбу залворли ўзгаришлар халқ дипломатиясининг дунёвий омилларга таъсирини ҳам, мамлакат аҳолисининг ички қатламида тинч-тотувликни сақлашдаги ўрнини белгилашда ҳам муҳим эканини, халқ дипломатияси ташқи ва ички воситаларининг жаҳонда рўй бераётган жараёнлар билан ўзаро мувофиқлилик даражасини таҳлил этиш зарурлигини тақозо этади.

Айнан ушбу дунёвий жараёнлар таҳлили замирида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ШҲТ Халқ дипломатияси маркази фаолият кўрсата бошлади. Марказ ўзининг 3 йиллик фаолияти давомида ўзаро ишонч, яхши қўшничиликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, цивилизацияларараро мулоқотни, маданий-гуманитар алоқаларни ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга йўналтирилган 15 мингдан ортиқ иштирокчи жалб этилган 100 дан зиёд халқаро тадбирларни амалга оширди. Мазкур рақамлар жаҳон тараққиётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган Ўзбекистонда халқ дипломатияси ўз мавқеини мустаҳкамлаётганига гувоҳлик беради.

> **Таҳлилларга кўра, халқ дипломатияси вазифалари ҳам барча муносабатлар сингари ички ва ташқи кўринишга эга бўлади. Бундай бўлиниш, табиийки, ҳар бир мамлакатнинг ички ва ташқи тараққиёти эҳтиёжларидан келиб чиқади. Халқ дипломатиясининг ички кўриниши мазкур мамлакат обрўсини мустаҳкамлашга ёрдам берибгина қолмасдан, ушбу давлатнинг ташқи манфаатларини самарали амалга оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади.**

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Ўзбекистонда халқ дипломатиясининг ички кўриниши қайси тузилмаларда ўз аксини топган? Айнан қайси ички муносабатлардан юртимизнинг халқаро алоқаларини шакллантиришда фойдалана олишимиз мумкин?

Фахр билан айтиш мумкинки, бундай дунёвий халқаро ҳамкорликни ташкил этишда ҳақли равишда асос бўла оладиган амалиёт бизнинг юртимизда ҳам мавжуд ва у минг йиллар мобайнида ривожланиб, сайқалланиб, мукаммал кўринишга келган.

Халқ дипломатиясининг ажойиб намунаси ҳисобланган ўзбек маҳаллалари асрлар давомида аҳолининг ўзаро ҳурмат, тинч-тотув яшаши усулларини ҳаётда синаган, одамлар кўз ўнгида ижобий тарзда амалга ошириб келинган. Ўзбек маҳаллалари бошқарув тизими сифатида ўзига хосликни сақлаб қолишга эришган тарихий аҳамиятга эга маскандир. Бошқа давлатларда деярли учрамайдиган, ўзбек миллий қадриятлари бешиги, ўзаро ҳамжиҳатликнинг бетимсол намунаси бўлган маҳалла институтининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у бошқарувда энг қуйи ва бирламчи тизим бўлиб, одамлар билан юзма-юз муносабатга киришади, халққа "борида ҳам, йўғида ҳам" елкадош бўла олади.

Ўзбек маҳалласи ҳақида гап кетганда, албатта, унинг илдизи узоқ ўтмиш билан боғлиқ экани, тарих силсиласида ўз ўрнига эга бўлган улуғ даврларни бошдан кечиргани муҳим аҳамият касб этади. Ҳақиқатан ҳам, олис тарихга назар соладиган бўлсак, зардуштийлик динининг муқаддас китоби "Авесто"да ҳам оддий одамларнинг бошқарувда фаол иштирок этиш жараёни ишончли кўрсатилган. Инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг жамоа ҳаётига боғлиқ масалаларни биргаликда ҳал этиши, давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни ечишдаги аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Қабилаларнинг ўзаро бирлашуви исботини бронза даври ёдгорлиги бўлган Сополлитепа қишлоғи тарихида ҳам кўриш мумкин. Қишлоқ ўтроқ деҳқончилик хўжалиги асосида ташкил топган 8 та катта оила жамоаси бўлиб, уларни 8 та оқсоқол бошқарган, уларнинг бирлигидан Оқсоқоллар кенгаши тузилган. Ушбу кенгаш муайян ваколатларга эга бўлган, жамоанинг кундалик ишидаги хўжалик муаммоларини ҳал этиш билан бирга, диний ва дунёвий ҳокимият вазифасини ҳам бажарган.

> **Маҳалла институти ва у томонидан амалга оширилган ваколатлар масаласи ўрта асрларда ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган. Шу сабабли ушбу даврдаги Шарқ мутафаккир олимлари асарларида, давлат ва жамоат арбоблари бошқарув усулларида жамоа бўлиб яшаш тарзи, унинг жамият ҳаётидаги ўрни тўғрисида ижобий фикр-мулоҳазалар кўп учрайди.**

Маҳалладош бўлиб яшаётган барча миллат вакиллари, катта-кичик элатлар фарзандлари ҳаётининг муҳим қадрияти ҳисобланган турли урф-одатларни асраб-авайлаш, ушбу қадриятларни ҳурмат қилиш ва барчанинг эркин яшаши учун имконият яратиш нафақат маҳаллада тинчликни сақлашга, балки бутун юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашади. Энг муҳими, йиллар синовидан ўтган ушбу қадриятлар ёшларни одоб-ахлоққа риоя қилиш, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда, ўзининг миллати, халқи, ўз тилига содиқ бўлиш, миллий ўзлигини англаш руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлади. Маҳалладош қўни-қўшнилар орасидаги турли дин ва эътиқод вакиллари ажратилмайди, бошқа диндагиларнинг ҳам қўшничилик ҳақ-ҳуқуқлари сақланади. Бемор бўлиб қолса, ҳол-аҳвол сўраш, мабодо қийналиб қолса, ёрдам бериш, қайси миллатга тегишли бўлмасин хурсандчилик ва байрам айёмларида қўшниларга совға-салом улашиш каби хислатлар урф-одат даражасида шаклланган.

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга берилган эътибор, унинг мавқеини ҳуқуқий, моддий ва маънавий жиҳатдан ривожлантириш маҳалланинг обрў-эътиборини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Жорий 2022 йилга берилган номланишда **"фаол маҳалла"га** алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Негаки, фуқаролик жамиятларини янада такомиллаштиришга, барча ижтимоий ўзгаришлар, шу жумладан, ўзбек халқ дипломатияси ривожига ҳам **"инсон — жамият — давлат"** тамойили асосида ёндашишда "фаол маҳалла" тизими Янги Ўзбекистон фалсафасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўзбек халқ дипломатиясини ривожлантиришда дунёда тан олинган воситалар билан биргаликда "фаол маҳалла" тизими амалиётидан ҳам самарали фойдаланиш, бир томондан, халқ дипломатияси олдига қўйилган улкан вазифаларни самарали амалга оширишга кўмаклашса, иккинчи томондан, минг йиллар давомида сайқал топган ўзбек халқ маҳалласи тизимининг халқаро миқёсдаги обрўсини янада кўтаришга, дунё бўйлаб оммалашишига хизмат қилади.

Ўз ўрнида, мазкур узвийлик маҳалла тизимини фаоллаштириш билан бир қаторда ўзбек халқ дипломатиясини ҳам янада кенгайтиришга таъсир кўрсатади. Фаол маҳаллалар доираси кенгайгани сайин ўзбек халқ дипломатиясининг ташқи таъсир доираси ҳам очилиб боради. "Фаол маҳалла" тамойили юртимизнинг ташқи алоқаларидаги жамоатчилик иштирокини янада кенгайтиришга, шу жумладан, ўзбек маҳалласи моделини амалий восита сифатида қўллайдиган Халқ дипломатияси марказини ШҲТга аъзо давлатлар доирасидан дунёнинг бутун мамлакатларини қамрайдиган Ўзбекистон халқ дипломатияси маркази сифатида кенгайтиришга, яъни, ўзбек халқ дипломатиясининг том маънодаги "ўсиш нуқтаси" бўлишига хизмат қилади.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

ИНСОН ҚАДРИ — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ АСОСИ

**Феруза ЭШМАТОВА,
Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)**

Бошланиши 1-бетда

Шу кунларда кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси лойиҳасида бу борадаги хайрли ишларни изчил давом эттириш ва юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилмоқда. Жумладан, инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш мақсадида маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам устуворлик берилган.

Жиноий қонунчиликни либераллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш билан бирга, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш, жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш масалалари ҳам Тараққиёт стратегиясининг муҳим мақсадларидан саналади.

Келгусида қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида ҳаракатланиш эркинлиги чекланган ёпиқ муассасаларга ташкил этилаётган мониторинг ташрифлари орқали у ердаги шароитларни халқаро стандартларга мослаштиришга эътибор янада кучайтирилади. Қолаверса, қийноққа учраган шахсларга амалий кўмак кўрсатиш, қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлаш ҳамда унинг тартибини ишлаб чиқиш борасида қатор вазифалар белгиланган. Бу жуда муҳим. Зеро, ҳар қандай жабрланувчи қийноқ ёки шафқатсиз муомала учун тезкор, адолатли ва тенг компенсация олиш ҳуқуқига эга.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасида яна бир муҳим мақсадлардан бири сифатида давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқарога хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш вазифаси белгиланган. Бунда асосий эътибор вазирлик ва идоралар фаолиятининг барча йўналишларини **“Давлат — халқ хизматчиси”** тамойили асосида фуқарога хизмат қилишга йўналтиришга қаратилади. Ушбу масала ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканини ҳаётнинг ўзи яққол исботлаб турибди. Буни Омбудсманга келиб тушаётган мурожаатлар таҳлилидан ҳам кўриш мумкин. Мурожаатларда аҳоли томонидан кўтарилган масалаларнинг кўпчилиги айнан қуйи ижро органларининг масъулиятсизлиги ва эътиборсизлиги оқибатида келиб чиқаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Тараққиёт стратегияси доирасида Олий Мажлис фаолиятини янада такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини демократлаштириш ва уларнинг ижросини таъминлашга қаратилган парламент назоратини кучайтиришга ҳам устуворлик берилмоқда. Парламент томонидан мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини назоратга олиш, жойлардаги ижро идораси раҳбарлари ҳисоботини эшитиш, натижасига мувофиқ уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш механизмининг амалга оширилиши парламент назоратининг таъсирчанлигини янада оширади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам ушбу жараёнда фаол иштирок этиб, парламент палаталари билан ҳамкорликни мустаҳкамлайди. Жумладан, мурожаатлар таҳлили ва ўтказилган мониторинг ташрифлари орқали мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эшитувларини ташкил этиш, сайёр қабуллар уюштириш билан бирга қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан кенг фойдаланади. Ошкоралик ва очиқлик тамойиллари фаолиятимиз асоси бўлади.

Маълумки, ўтган йили Президентимиз ташаббуси билан Парламент томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинган эди. Мазкур Конвенция ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Эндиликда ногиронлиги бўлган шахсларга етарли шарт-шароит яратиш борасидаги халқаро мажбуриятларнинг бажарилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бунда имконияти чекланган шахсларнинг мавжуд шароитлардан фойдаланиши, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, тенглик ва камситмаслик каби қатор муҳим масалалар қамраб олиниши лозим.

Тараққиёт стратегияси лойиҳасида аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда. Ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш мақсад қилинган. Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш йўналишида имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини уч баробар ошириш вазифаси ҳам эътибордан четда қолмаган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканлиги нуқтаи назаридан хулоса сифатида айтиш мумкинки, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз инсон қадрини юксалтириш борасида келгуси беш йиллик учун муҳим вазифа ва мақсадларини белгилаб олган. Уларнинг амалга ошиши учун эса ҳар биримиз масъулдирмиз. Зеро, мамлакатимиз келажаги ва ривожи учун ҳамжиҳатлигимиз ва бирдамлигимиз муҳимдир.

АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА ЗАРУР ШАРТИ

**Нуриддин МУРОДОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро суди раиси ўринбосари**

Маълумки, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Ўтган даврда мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида 300 га яқин қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 мингдан зиёд фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ана шу эзгу мақсад ва ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш натижаси ўлароқ, юртимизда “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат” ғояси асосида Янги Ўзбекистонни барпо этиш асослари яратилди.

Мамлакатимизнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси тайёрланди. Унда мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7 та устувор йўналиши доирасида юзга яқин мақсадларга эришиш назарда тутилган.

Лойиҳада, барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан, жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб бориш, давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш тизимини яратиш, ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот беришини йўлга қўйиш белгиланмоқда.

ЛОЙИҲАДА АҲОЛИНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПГАН

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Тараққиёт стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида аҳолининг таклифлари ҳам муҳим ўрин тутган. Ўтган йили юртимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари жараёнида Президентликка номзодларга аҳоли томонидан кўплаб таклифлар берилди. Айниқса, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш, юзасидан деярли барча ҳудудларда қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, номзод Шавкат Мирзиёевга бевосита маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини кенгайтириш борасидаги фикр-истаклар эди.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ ДЕБ НОМЛАНГАН БИРИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ ДОИРАСИДА “ФУҚАРОЛАРНИНГ КАМИДА УЧДАН БИР ҚИСМИ ТАШАББУСИ БИЛАН МАҲАЛЛА РАИСИГА НИСБАТАН ИШОНЧСИЗЛИК БИЛДИРИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ” НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА.

Айни шу каби таклифлар ва жойларда кўтарилган масалалар Янги тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда асосий омиллардан бир бўлди. Яъни, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида вазифалар белгилаб олинди.

Масалан, Тараққиёт стратегиясининг инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш деб номланган биринчи устувор йўналиши доирасида “Фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш тартибини жорий этиш” назарда тутилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш илгари сурилди. Ҳудудларда амалга ошириладиган давлат органларининг вазифалари бўйича “ваколатлар реестри”ни шакллантириш, такрорланадиган 500 дан ортиқ функцияларни мақбуллаштириш, маҳаллий ҳокимликларнинг ҳар бир вазифа ижроси, сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти стандартлари асосида такомиллаштириш, давлат фуқаролик хизматида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

ШУНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТИШ ЖОИЗКИ, МАЗКУР ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ЖАРАЁНИДА АҲОЛИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ҲАМ МУҲИМ ЎРИН ТУТГАН. ЎТГАН ЙИЛИ ЮРТИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВЛАРИ ЖАРАЁНИДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАРГА АҲОЛИ ТОМОНИДАН КЎПЛАБ ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ. АЙНИҚСА, МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЮЗАСИДАН ДЕЯРЛИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДА ҚАТОР ТАКЛИФЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ.

Кенг жамоатчилик фикр ва мулоҳазалари асосида, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни янада кучайтириш муҳим вазифа сифатида лойиҳадан ўрин олди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИ

2022 йил давлат дастури доирасида 8 та мақсад ва 28 та банд асосида, инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашга қаратилган мулкий, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ барча маъмурий ҳужжатларни қатъий равишда фақат суд тартибида бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш амалиётини жорий этиш, иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (камайиб борувчи) давлат божи ставкаларини, хусусий мулк устуворлиги асосий тамойил сифатида белгилаш назарда тутилган.

Бунда: давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш; инсофли эгалловчининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш ва мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмларини қўллаш, мансабдорлар қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбурияти, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартиби — “айбдорлик презумпцияси” ва “суднинг фаол иштироки” тамойилларини, процессуал қонунчиликда адвокатнинг ваколатларини, шу жумладан, далилларни тўплаш ва тақдим этиш ваколатларини кенгайтириш каби прогрессив нормаларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва тааллуқлигига кўра ,тегишли судга юбориш тартибини, давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколатини аниқ белгиланяпти. Суд буйруғи тартибида кўриб чиқиладиган айрим тоифадаги низоларни ҳал этишни автоматлаштириш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини янада кенгайтириш, шу жумладан, маъмурий суд иш юритувига келишув институтини жорий этиш, судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколатини белгилаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда ташкил этиш, уларнинг холислиги ва беғаразлигини таъминлаш бугунги кунда суд фаолиятини такомиллаштириш, одил судловни таъминлашга қаратилгани ҳам мазкур йўналишлардаги муҳим қадамлардир.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ

Ички ишлар органлари ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш, мурожаатлар билан ишлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда аҳоли учун уйидан туриб, туну кун тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институтини ислоҳ қилиш ва жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш, мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартибини ишлаб чиқиш инсон қадрини улуғлаш мақсадида амалга оширилиши белгиланаётган вазифалар ҳисобланади.

Лойиҳада судлар томонидан ижро варақаларини инсон омилисиз электрон шаклда юбориш имконини берувчи электрон платформани яратиш орқали ушбу жараённи тўлиқ рақамлаштириш, ижро жараёнини шаффоф тарзда масофадан туриб онлайн кузатиб бориш имконини яратиш, унинг муқобил механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳам ўз ифодасини топган. Ўзаро қарздорликни тартибга солиш, ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш институтлари ва механизмларини, хорижий давлатлар билан ҳамкорликни амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, процессуал қонунчиликка тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш, мажбурий ижро органларининг функцияларини хатловдан ўтказиш ва айримларини хусусий секторга ўтказиш, ижро ишини юритиш тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш одамларни оғирини енгил қилишга, уларнинг вақтини тежашга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми саналади.

“Мустақил адвокатура концепцияси” асосида адвокатура фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунни ишлаб чиқиш, адвокатнинг процессуал мақомини кучайтириш, адвокатлик лицензиясини олиш учун юридик мутахассислик бўйича иш стажига оид талабни бекор қилиш, олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш ҳуқуқи беріляпти. Бундай имкониятлар ва олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш, адвокатнинг процессда иштирокини таъминлашни соддалаштирувчи “Электрон адвокат ордери”ни жорий этиш кўпчилик ҳуқуқни ҳимоя қилувчи соҳа вакилларини таклифлари инобатга олинганлигидан далолатдир.

Бир сўз билан айтганда, Тараққиёт стратегияси юртимизда халқпарвар давлат сифатида Янги Ўзбекистонни сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий, маънавий тараққий эттиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси саналади.

Шу маънода, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан муҳокамаларда фаол иштирок этишимиз мақсадга мувофиқдир.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

УЧКЎПРИК ТАЖРИБАСИ:
ҲАР БИР ОИЛА – ТАДБИРКОР

Расулжон КАМОЛОВ,
Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари

Бошланиши 1-бетда

— Туманимиз бундан 95 йил аввал ташкил этилган, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шуҳратжон Фозилов. — Қўқон, Бувайда, Данғара туманларига туташ жойлардаги ариқлар устига қурилган кўприклар унинг шундай номланишига асос бўлган. Бинобарин, халқимиз азалдан йўл қурган, кўприк солган инсонларни ҳурмат-иззат қилган. Ҳадисларнинг бирида ҳатто “Масжидни бузиб кўприк қуриш мумкин, лекин кўприкни бузиб масжид қуриб бўлмайди”, дейилади. Учкўприк аҳли азалий тутумни ўтган йиллар давомида ривожлантириб келяпти, десам янглишмаган бўламан. Қарангки, ҳозир туманимизда Марказий Фарғона канали ва Сўх дарёсидан сув ичиб келаётган 50 дан ортиқ маҳалла бўлса, уларга кириб борган ариқлар устига ҳам 50 дан зиёд каттаю кичик кўприк қурилган.

Бугунги кунда Учкўприкдаги ижтимоий ҳаёт, иқтисодий манзара ҳам тубдан ўзгарган. Туман вилоятдаги йирик саноатлашган ҳудудлар қаторида туради. Хусусан, 2021 йилнинг ўзида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида умумий қиймати 280 миллиард 330 миллион сўм бўлган 45 та истиқболли лойиҳа амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиши ҳисобига икки мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Биргина саноат соҳасидаги ишлар салмоғи 2017 йилдагига таққослаганда 181,5 фоиз, экспорт ҳажми 500 баробар ошган.

Бу рақамлар баландпарвоз гаплар эмас. Кейинги йиллардаги янги ислоҳотларнинг амалий самараси. Ўтган йили жами 44 миллион 323,5 минг, шундан саноат йўналишида 42 миллион 100 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот экспорт қилинди. 2017 йилда умумий экспорт ҳажми бор-йўғи 3 миллион 939,1 минг АҚШ долларига тенг бўлгани ҳолда жорий йилда бу кўрсаткич 45 миллион доллардан ошиши кутиляпти.

Туман иқтисодий салоҳияти юксалишида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Қўқон” эркин иқтисодий саноат зонасининг ўрни катта. Ўтган йилнинг ўзида бу ерда умумий қиймати 1,8 триллион сўм бўлган 55 та инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилиб, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 96 тага етди.

“Kokand Bicycles” хусусий корхонаси ЭИЗ ҳудудида 2018 йилда иш бошлаган. 2020 йилда бу корхонада MBF маркаси остида 170 мингдан зиёд велосипед ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш даражаси қарийб 60 фоизни ташкил этади. Ҳозир бу ерда 200 та иш ўрни яратилган. Шу корхона ўтган йили Қирғизистонга 700 минг АҚШ долларилик велосипед экспорт қилган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, “Gfreat-kokand” МЧЖда ишлаб чиқарилаётган момиқ сочиқлар Беларусь, “Uchkoprik ipagi” МЧЖ маҳсулотлари Хитой, “Hamangan evro qurilish dizayn” МЧЖнинг қурилиш ашёлари Туркманистон бозорларидан мустаҳкам ўрин олди. “Avvali kokand halva” оилавий корхонасида тайёрланаётган ҳолва эса АҚШга экспорт қилиняпти.

“Меҳригиё” корхонаси Учкўприк туманининг “ташриф қоғози” сифатида машҳур бўлиб боряпти. Бу ерга ҳар йили юзлаб маҳаллий ва хорижлик сайёҳ табиий неъматлардан табобат учун тайёрланган гиёҳларни истеъмол қилиш илинжида келади.

Бу ерда папая, годжи, мушмулла, банан, киви, қаҳва каби мевалардан турли фойдали доривор чойлар, ўн турдан ортиқ шифобахш ёғ, сироп, косметик ва антисептик воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар Хитой, Россия ва Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт қилиняпти.

БОБОШБЕКНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАЖМУАЛАРИ

Оилавий тадбиркорлик Учкўприк туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожида муҳим ўрин тутмоқда. Бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорига биноан бошланган эди. “Хонадонбай” тизимга таянган ҳолда, қишлоқ ва маҳаллаларнинг бирор маҳсулотга ихтисослашуви ўрганиб чиқилиб, “Бобошбек”, “Бекмурод”, “Зиғир”, “Полохон”, “Яккамулла” маҳалла фуқаролар йиғинларида кўпчиликнинг тикувчиликка иштиёқи баландлиги аниқланди. Мазкур соҳада ишбилармонлик тажрибасига эга тадбиркорлар маҳаллаларда янги бизнес фаолияти билан шуғулланишни бошлаган оилаларга бириктирилди. Бунинг натижасида ўзига хос миникластерлар вужудга келди.

— Қишлоғимиз аёллари азалдан моҳир чевар, деярли ҳар бир оила бу муҳим юмуш билан банд, десам муболаға бўлмайди, — дейди “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғинидаги оилавий тикувчилик корхонаси бошлиғи Иродахон Содиқова. — 2014 йилда 2 та тикув машинасида иш бошлаганмиз. Ҳозир улар сони йигирмадан ошиб кетди. Цехимизда ўттизга яқин хотин-қиз доимий иш билан банд. Ҳар ойда 100 минг дона атрофида болалар трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Буюртмага қараб улар тури ҳам ортиб боряпти. Маҳсулотимизга Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Россияда ҳам харидорлар бор. Ўтган йилнинг ўзида бу мамлакатларга 100 минг долларликдан ортиқ болалар кийимлари сотдик. Бу ишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолаётгани йўқ. Ўтган йили февраль ойида Риштон туманидаги кулоллик марказида Президентимиз билан бўлиб ўтган учрашувда корхонамиз фаолиятини кенгайтириш учун туманимизда ўзига хос бозор яратиб бериш фикрини айтгандим. Таклифим инобатга олиниб, уйимизга яқин ҳудуддан ишлаб чиқариш, логистика ва савдо мажмуаси қурилиши юзасидан амалий ишлар бошлангани ҳунарманд ва тадбиркорларни янада руҳлантириб юборди. Янги мажмуадан ишлаб чиқариш майдони учун жой олдим. Яратилаётган қулайликлар янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва экспорт имкониятларимизни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 27 майдаги “Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни, логистика ва савдо тармоқларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада янги имкониятлар эшигини очди. Айни кунда “Бобошбек” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 15 гектар майдонда мазкур мажмуа қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ажратилган ернинг 9,2 гектарида ишлаб чиқариш, 3,8 гектарида савдо комплекси ташкил этилади. Бу ерда 128 та кичик, 60 та ўрта , 128 та йирик ишлаб чиқариш цехи ҳамда 560 та (ҳар бири 4 квадрат метр бўлган) савдо растаси қурилмоқда. Бу бир вақтнинг ўзида 8 мингга яқин аҳолини доимий иш билан таъминлайди.

Мажмуа тадбиркор оилалар ишлаб чиқарган маҳсулотлар савдосини ташкил қилувчи марказ вазифасини ҳам ўтайди. Маълумот ўрнида айтганда, бугунги кунда тумандаги 53 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1856 та хонадонда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 9 мингдан зиёд хотин-қизнинг бандлиги таъминланган.

Ҳақиқатан, қишлоққа саноатни олиб кириш, хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, турларини кўпайтириш янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Айни кунда 15 гектар майдондаги “Қақир-1”, “Қақир-2”, “Тожик-1”, “Тожик-2” ҳамда “Юксалиш” ёшлар кичик саноат зоналарида янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилмоқда. Бу ерда 51 та истиқболли лойиҳа ишга туширилади.

ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ЯНГИ КООПЕРАЦИЯ

“Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослашув бир туман аҳолиси фақат бир маҳсулот етиштиришини англатмайди. Тадбиркорларнинг биргаликда бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариши ёки етиштириши бозор топиш имкониятини янада кенгайтиради. Шунингдек, бу маҳсулот сифатига ҳам таъсир кўрсатади, улар бир-бирларидан ўрганади ва технологияларни ўзлаштиради.

Шерзод Қорабоев олган суратлар.

Буни “Қақир-1” кичик саноат зонасида “Sadaf sut” оилавий корхонаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳа мисолида кўриш мумкин. Ойига 750 тоннадан ортиқ сутни қайта ишлаш имкониятига эга корхонада 80 нафардан ортиқ ёш иш билан таъминланди. Бу ерда 18 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ҳолбуки, яқин пайтга қадар туманда бундай қайта ишлаш тармоғи мавжуд эмас эди. Етиштирилган маҳсулотнинг аксарияти шаҳардаги турдош корхоналарга олиб кетилган.

— Сут етиштириш бўйича чорвачилик кооперацияси ташкил этишни бошладик,—дейди корхона раҳбари Саййидқосимхон Қорабоев.— Бу мақсадлар учун 7 миллион доллар миқдорида сармоя жалб этиб, Европанинг чорвачилик ривожланган мамлакатларидан наслли сигирлар олиб келамиз. Натижада қуруқ сут, йогурт ва пишлоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва 200 та янги иш ўрни яратилади.

Бу мақсадлар учун “Тожик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 1000 та хонадонга кредит асосида 1 бошдан зотдор қорамол тарқатилади. Маҳсулотлар “Sadaf sut” оилавий корхона томонидан сотиб олинади. Бундан ташқари, кооперация аъзоларига ғалладан бўшаган экин майдонларидан озуқа учун 50 сотихдан ер ажратилади. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми ортади, таннархи арзонлашади.

МАҲАЛЛАНИНГ “ЎСИШ НУҚТАЛАРИ”

“Катта қашқар” маҳалласидаги хонадон эгалари томорқаларидаги иссиқхоналарда лимон етиштириб, яхшигина даромад топади. Шунингдек, ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик сингари оилавий тадбиркорлик юмушларининг ҳадисини олган.

Қурбонали Хонназаров бу борада кўпларга ўрнак бўлиб келаётган лимончилардан. Уч сотих ердан 40-50 миллион сўмгача даромад олади.

— Ҳар йили 2,5-3 тонна лимон териб оламиз,— дейди томорқачи. — Ўтган йили ҳам ҳосил яхши бўлди. Бир килограмм лимон 15 минг сўмгача улгуржи нархда сотилди. Лимонни баҳор ойларигача сақлаш имконияти бор. Нархи ҳам шунга яраша бўлади. Бундан ташқари, чорва боқамиз, лимон кўчатлари етиштириш билан шуғулланамиз. Ҳалол меҳнат ортидан тўрт ўғилни уйли-жойли қилдик, тўйлар ўтазяпмиз.

“Катта қашқар”да ҳомийлик асосида маҳалла фуқаролар йиғини, қишлоқ врачлик пункти учун бино қурилди. Унинг раиси, тадбиркор Иброҳимжон Холматов ташаббуси билан бу ерда умумий қиймати 1 миллиард 400 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш, бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, муҳтожларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ўтган йили “Аёллар дафтари”га киритилган 47 нафар хотин-қиз ундан чиқарилди.

Бу ерда сўнгги йилларда тадбиркорлик, ҳунармандлик, томорқадан самарали фойдаланиш борасидаги амалий иш тажрибалари кўпнинг эътибори, эътирофига тушди. Маҳалла раиси Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ўтказилган “Энг яхши маҳалла раиси” республика кўрик-танлови ғолиби бўлиб, Президент совғаси — Cobalt автомобили билан тақдирланди.

Умуман олганда, Учкўприк тумани аҳолиси ихтиёрида 4886 гектар томорқа майдони бор. Айни кунда аҳоли хонадонларида икки мингдан ортиқ иссиқхона ташкил этилди. Бу ерда “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида лимончилик, кўчатчилик анъаналари ҳам ривожланиб бормоқда.

МУЛЛАЗОИРГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Бундан икки йил аввал туман марказидан ғарб томонга 10-12 километр юрсангиз, гиёҳ унмас даштга рўбарў бўлардингиз. Тош-шағалдан иборат бийдай далада жон сақлаш жуда мушкул эди. Қаровсиз ер, тикон босган адирларда баҳорда ҳам ўт-ўлан унмасди. Ёзнинг жазирамаси тинкани қуритса, қишнинг безгак шамоли кўз очирмасди… Бу ҳаётий ташбеҳлар энди унутилди.

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, жойларда янги шаҳар ва массивлар қуриш борасидаги улкан ислоҳотлар Муллазоир даштига янги ҳаёт нафасини олиб кирди. Бир томони Қўқон, Яйпан, Бешариқ, Бағдод ва Риштон сингари шаҳар ва қишлоқларга олиб борувчи катта йўл бўйида қад ростлаган янги кўп қаватли турар жой маскани дашт қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартирди.

Қисқа фурсатда янги замонавий мавзе қад ростлади. Бу ерда 5 қаватли, 247 квартирали 10 та уй тикланди. Бундан беш йил аввал нафақат қишлоқ, балки катта шаҳарларда ҳам бундай ҳашамдор уйларни қуриш амримаҳол эди.

— Уй-жойларда яратилган шарт-шароитларни кўриб, 16 километр олисдаги Ёлғунзор қишлоғидан кўчиб келдик, — дейди янги уй соҳиби Эргашали Ноқўзиев. — Ипотека кредити асосида уч хонали уй олдик. Тўрт ўғил фарзандим бор. Бу ерда яшаш, ишлаш, болалар таълим-тарбияси учун керакли бўлган шароитлар яратиб берилгани айни муддо бўлди. Бизнинг яшаш шароитимизга ҳавас қилиб кўчиб келаётган ҳамқишлоқ дўст-биродарларим кўпайиб бормоқда.

Турар жойларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилган. Янги мавзеда барча коммуникация тармоқлари мавжуд. Спорт ва болалар майдончалари, савдо дўконлари қурилиб, ҳудуд ободонлаштирилди. Ҳозир янги мавзеда яна 12 та кўп қаватли турар жой барпо этилаётган бўлиб, тез орада фойдаланишга топширилади.

— Давлатимиз раҳбари раислигида аҳолини уй-жой билан таъминлаш масалалари бўйича яқинда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида фуқаролар ва қурилиш ташкилотларига белгилаб берилган янги имкониятлар уй-жойга эга бўлиш истагида бўлган оилалар учун янада кенг имкониятлар яратиб берди, — дейди Учкўприк тумани ҳокими Акмалжон Маҳмудалиев. — Энди эҳтиёжманд аҳолига дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 32 миллион сўм субсидия тўланиши, ипотека кредити ва субсидия олиш шартлари енгиллаштирилгани, шунингдек, қурилиш корхоналарига замонавий техника ва ускуналар сотиб олиш учун узоқ муддатли кредитлар ҳамда божхона имтиёзлари берилиши замонавий ва арзон уй-жойлар қурилишини янада тезлатишга хизмат қилади.

Сирасини айтганда, янги уй-жойлар “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ҳамда 4 та кичик саноат ҳудудига туташ қурилаётгани аҳоли бандлигини таъминлашдек долзарб вазифани уддалашда ҳам қўл келади. Яна бир муҳим жиҳати — мазкур замонавий масканларда яшаётган ёшлар доимий даромад манбаига эга бўлади.

ЖАРАЁН

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ:
ҲАМ ИНВЕСТИЦИЯ, ҲАМ ИШ ЎРНИ

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

2021 йилнинг 8 ноябрь куни Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда давлат объектларини хусусийлаштиришнинг янги усулларини жорий этиш ва унинг барча босқичларида очиқлик ва ошкоралиқни таъминлаш бугуннинг асосий масаласи экани таъкидланган эди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ангрен ва Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Ўрта Чирчиқ туманидаги давлат мулки объектлари ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Дастлабки манзилимиз Ангрен шаҳри бўлди. Бир неча йиллар зарар кўриб ишлаган, хомашё етишмаслиги сабабли фаолият юритмаган “ANGREN PACK” корхонаси билан танишдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 июлдаги тегишли қарорига асосан, мазкур объектнинг устав фондидаги 25 фоиз давлат улуши “НИКОЛ ПАК” масъулияти чекланган жамиятига 25 миллион долларга сотилган. Келишув шартномалари бўйича айланма маблағларни тўлдириш учун 13,5 миллион доллар, инфратузилма ва биноларни тиклаш, шунингдек, қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун ускуналар харид қилиш ва қурилиш-монтаж ишларига 11,5 миллион доллар миқдорида инвестиция киритиш шарти билан корхона “ноль” харид қийматида МЧЖга берилган.

Ўтган давр мобайнида инвестор корхонага 25,6 миллион доллар инвестиция киритиб, мажбуриятларини бажарган. Корхонада дастлаб реконструкция ишлари амалга оширилиб, биноларнинг 60 минг квадрат метр том қисми тўлиқ янгиланган. Германия технологияси асосида қоғоз ўрамлари ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилган. Бу технология билан бир кеча кундузда 156 тонна қоғоз маҳсулоти тайёрланади.

Хитой ва Таиланд технологиялари асосида қоғоз қутилар ишлаб чиқариш ҳам самарали йўлга қўйилган. Бир ойда 1,5 миллион метр ҳажмида сифатли маҳсулот тайёрланади. Яқин келажакда бу кўрсаткични 8 миллион метрга етказиш режалаштирилган.

— Корхонамизда 240 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади. Уларнинг унумли ишлаши учун барча шароитлар яратилган, — дейди “НИКОЛ ПАК” корхонаси бош директори Вадим Асанов. — Ҳозир маҳсулотларимизнинг 80 фоизи ички бозорда сотилаётган бўлса, қолган қисми Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонга экспорт қилиняпти.

Олмалиқ шаҳри томон йўл олар эканмиз, йўл-йўлакай соҳа мутасаддилари тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб берди.

— Вилоят бўйича 127 та актив “e-auksion”да савдога чиқарилди. 81 та давлат активи жами 104,3 миллиард сўм қийматда, 760 миллиард сўм инвестиция киритиш ва 1318 та янги иш ўрни яратиш шарти билан сотилди, — дейди ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари Отабек Ортиқбоев. — Шу даврда инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар билан сотилган 59 та объект ишга туширилиб, уларга 148,2 миллиард сўм ҳамда 94,2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Натижада 2716 та янги иш ўрни яратилди.

Отабек Ортиқбоевнинг таъкидлашича, бугунги кунда “e-auksion” электрон онлайн платформасида Тошкент вилоятидаги 123,3 миллиард сўм қийматдаги 47 та давлат активи савдоси давом этяпти.

Олмалиқ шаҳрининг “Фурқат” маҳалласида жойлашган собиқ 14-болалар боғчаси биноси негизида ташкил этилган “Болажонлар олами” хусусий мактабгача таълим муассасаси ҳам очиқ аукционда “TIA JAHON” масъулияти чекланган жамияти томонидан 15 та иш ўрни яратиш ҳамда 800 миллион сўм инвестиция киритиш мажбурияти билан сотиб олинган.

Бугун тадбиркор томонидан 3,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция маблағлари жалб қилиниб, бино қайтадан бунёд этилган, ажойиб гўшага айланган.

— Ҳозир бу ерда қурилиш ва таъмирлаш якунланиб, 240 ўринли замонавий мактабгача таълим муассасаси иш бошлади, — дейди “TIA JAHON” МЧЖ директори Фарҳод Эшбоев. — Боғчамиз тўлиқ ишга тушгандан сўнг қўшимча 60 та янги иш ўрни яратишни режалаштирганмиз. Бугунги кунда бу ерда 30 нафардан зиёд бола тарбияланяпти. Уларга 15 нафар малакали мутахассис таълим-тарбия бермоқда.

Ўрта Чирчиқ туманидаги “Bazalt granite” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишиш учун борганимизда ғирашира қоронғилик ўз кўланкасини ёйиб келаётганига қарамай, ишчилар қизғин меҳнат билан банд эди. Бу ерда турли гранит маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

— Юқумли касалликлар шифохонаси бўлган ушбу иншоотни электрон аукцион савдода инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш шарти билан сотиб олганмиз, — дейди “Bazalt granite” МЧЖ директори Давлатбек Ҳакимов. — Лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллиард сўм. Гранит хомашёсини Навоий вилоятидаги конлардан олиб келамиз. Тўлиқ қувватда иш бошлаганимиздан сўнг маҳсулот турлари ва экспорти янада кўпайиб, қўшимча 60 та иш ўрни яратилади. Айни дамда инвестиция киритилиши натижасида 80 киши ишли бўлди. Корхонамизда гранитга ишлов берилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан давлат мулкини хусусийлаштириш, объектлар фаолияти ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

ШАРҲ

Охирги уч йилда юртимизда олий таълим муассасалари сони 152 тага етди. Қабул ўринлари 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Хорижий мамлакатлардан қўшма таълим дастурлари доирасида 64 хил янги касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Профессор-ўқитувчиларнинг маоши ўртача уч ярим баробар ошди. Таълим ислоҳотларининг ҳозирги босқичида эса олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш эҳтиёжи пайдо бўлди.

АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИК

янги ғоя ва инновацион ташаббусларга чорлайди

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Урганч давлат университети ректори

Давлатимиз раҳбарининг “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ана шу мақсадга хизмат қилади. Қарорга биноан, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат чет тиллари университети, Қорақалпоқ давлат университети ва Урганч давлат университети каби 35 та етакчи олий таълим муассасасига 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб эса академик ва бошқарув соҳаларида мустақиллик берилади.

Академик мустақиллик, бу — ҳар қандай олий таълим муассасасининг энг асосий тамал тоши, дейиш мумкин. Чунки академик мустақилликсиз олий таълим муассасаларида янги ғоя, ташаббус, инновацион фикрлаш, янгича илмий-тадқиқотлар бўлмайди. Шу боисдан ҳам соҳада асосий ваколатлар аниқ белгилаб қўйилди. Биринчи навбатда, ўқув режаси, дастурлар, таълим йўналишларини энди олий таълим муассасасининг ўзи мустақил, бозор талабидан келиб чиқиб, касбий стандартлар асосида ишлаб чиқади. Бундан ташқари, кундузги, масофавий, сиртқи, кечки каби ўқитиш шакллари, шунингдек, таълим олиш муддатлари давомийлигини ҳам олий таълим муассасасининг ўзи белгилайди. Қўйингки, ўқув жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ барча масалаларда олий таълим муассасаларининг ўзига ваколат бериляпти.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтга қадар ўқув режалари ҳамда дастурлари, малака талаблари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланган. Таълим тили ва шакли таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш давлат комиссияси томонидан белгиланган. Эндиликда 35 та олий таълим муассасасида бу тартиблар бекор қилинди.

Шунингдек, ОТМлар тўлов-контракт асосида докторантурада ўқитиш қийматини белгилаш ва ўз маблағлари ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага қабул қилиш имконига эга бўлди. Магистратурада таълимнинг сиртқи, масофавий ва кечки шакллари ҳамда амалий малакалар бериш тизимини ҳам жорий қилиши мумкин.

Қарор билан республика олий таълим муассасалари ичида ўзаро академик мобилликка рухсат берилди. Бу эса бир олий таълим муассасасининг талабалари бошқа бир олий таълим муассасасига бориб, бир семестр ёки бир ўқув йили давомида чуқур билим олишлари учун имкон яратади.

Биргина докторантура соҳасини оладиган бўлсак, бугунга қадар бизда докторантурага маълум бир квоталар асосида қабул қилинар ва бу чегарадан чиқиш мумкин эмасди. Эндиликда мазкур қарор билан чегара олиб ташланяпти ва ўша давлат бюджети томонидан ажратиладиган докторантура ўринлари сақланган ҳолда, қўшимча тўлов-контракт тизимида, яъни у ёки бу ташкилот ва корхона талаби асосида керакли докторантларни тўлов-контракт тизимида ўқитишга имконият яратилмоқда. Бугунгача фан докторларига 4 тадан 6 тагача, фан номзодларига 2-3 тагача илмий раҳбарликка рухсат берилган бўлса, мазкур қарор билан бу чегаралар ҳам олиб ташланяпти.

Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасалари тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини давлат олий таълим муассасалари йўналиш бўйича белгиланган базавий тўлов-контракт қийматининг 3 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдорда мустақил белгилай

олади. Шу билан бирга, улар тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини ўзлари белгилаши ва узайтириши мумкин. Шундай ҳолатлар бўлар эдики, иқтидорли талабаларимиз бор, лекин улар ўз вақтида контракт маблағларини тўлай олмайди ва оқибатда академик таътил олишга ёки ўқишни ташлашга мажбур бўларди. Президентимизнинг мазкур қарори эса шу каби иқтидорли талабаларга яна бир бор имкон берди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий профессор-ўқитувчиларни шартнома асосида ишга жалб қилиш мумкин. Бу, ўз навбатида, таълим муассасасининг дунё рейтингида салоҳиятини оширишга хизмат қилса, иккинчи томондан, олий таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитининг шаклланишига замин ҳозирлайди. Қолаверса, ўз маблағлари ҳисобидан талабалар учун стипендия ва грантлар ажратиш, хорижий давлатлардан ўқув ва илмий адабиётлар, дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларни тўғридан-тўғри харид қилиш каби имкониятлар берилмоқда.

Эндиликда 35 та олий таълим муассасаси фаолиятининг асосий йўналиши таълим, илм-фан, унинг натижаларини жорий этиш ва тижоратлаштириш билан боғлиқ ташкилотларни туза олади. Унинг тузилмаси ва штатларини мустақил тасдиқлайди. Янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар тайёрлашни тўлов-контракт асосида ташкил этишлари ёки тўхтатишлари мумкин.

Бундан ташқари, мустақиллик берилган олий таълим муассасалари ўз имкониятидан келиб чиқиб, профессор-ўқитувчилар ва бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш миқдорини ҳам ўзи белгилайди.

Молиявий мустақил олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилиб, таркиби кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат Кузатув кенгашлари ташкил этилади. Мазкур кенгашлар томонидан олий таълим муассасалари ходимларига меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва рағбатлантириш мезонлари тасдиқланади. Шунингдек, кенгашлар орқали маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қиладиган ички аудит ва назорат тизими ҳам кучайтирилади.

Президентимизнинг “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса таълим хизматлари бозорини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Энг аввало, мазкур ҳужжат давлат олий таълим муассасаларига хусусий ёки хорижий муассасалар билан тенг рақобатга киришишига ҳуқуқий асос яратиб беради.

Бу нималарда акс этади? Бугунги кунда бир талаба учун тўғри келадиган ўртача ҳаражат миқдори 8 миллион сўмдан 30 миллион сўмгачани ташкил этади. Эндиликда молиявий мустақил олий таълим муассасалари давлат буюртмаси асосида кадрлар тайёрлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар бир талабага тўғри келадиган ўртача харажат миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Шунингдек, давлат гранти асосида таълим олаётган талабалар учун бюджет маблағлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идора ҳамда олий таълим муассасаси ўртасида имзоланадиган битим асосида ажратилади.

Таълим хизматлари бозорида иқтисодиёт тармоқларида реал эҳтиёждан келиб чиқиб, талабаларни грант асосида ўқитиш давлат буюртмаси асосида амалга оширилади. Бунда олий таълим муассасалари билан давлат томонидан битим тузилади ва бюджетдан бир талабани ўқитишнинг ўртача харажат меъёрларини белгилаган ҳолда, молиялаштирилади. Иккинчи томони, талабаларни ўқитиш қийматини, уларни контракт асосида қабул қилиш квоталарини ҳам мустақил белгилаш ваколати берилмоқда.

Ҳам ишлаб чиқариш, ҳам технологияни тушунадиган, тилни мукаммал биладиган, олдига қўйилган вазифани аниқ ва лўнда англайдиган етук мутахассис тайёрласак, бу кадрлар эртага амалиётда қийналмайди. Ишни қандай ташкил қилишни билади, корхона самарадорлигига ўз ҳиссасини қўшади. Агар бундай кадрлар юзлаб, юз минглаб бўлса, жамият ҳаётини қандай ўзгартириб юборишини тасаввур қилаверинг. Шу нуқтаи назардан, олий таълим тизимидаги ўзгаришлар катта самара беради.

Амалда олий таълим муассасаларида ижарадан тушган маблағларнинг 50 фоизи хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасига, 40 фоизи олий таълим муассасаларига, 10 фоизи ижара марказига йўналтирилган. Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасаларида ижарадан тушган маблағнинг 1 фоизи давлат мулки ижара марказларига, қолган қисми эса олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади. Шунингдек, асосий воситалар ва товар-моддий бойликларини сотишдан тушган маблағлар тўлалигича ўз ихтиёрида қолдирилади. Бундан ер, бино ва иншоотлар ҳамда ўқув-илмий лаборатория жиҳозлари мустасно.

Молиявий мустақиллик берилаётган олий таълим муассасалари учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиз миқдорида қўлланилади. Амалда бу 25 фоиз эди. Натижада олий таълим муассасалари ихтиёрида йилига қўшимча 354 миллиард сўм маблағ қолади.

Биргина Урганч давлат университети мисолида оладиган бўлсак, 2020 йилдан, яъни ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтилгандан буён 12 фоиздан ижтимоий солиқ тўлаймиз. Бу университет учун жуда катта ёрдам бўлмоқда. Ихтиёримизда қолаётган маблағларни моддий-техник базани ривожлантириш ҳамда талабалар учун янада қулай шароит яратишга сарфлаяпмиз.

Мухтасар айтганда, мазкур ҳужжатлар мамлакатимизда олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини ошириш, фан ва инновацияни ривожлантириш, таълим сифатини янада яхшилаш ва бозор эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ташкил этишга хизмат қилади.

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ватан ҳимоячиларининг оила аъзолари учун муносиб турмуш шароити яратилиб, имтиёзли кредитлар асосида уй-жойлар билан таъминланмоқда. Ҳарбийларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинмоқда. Қолаверса, ҳарбий шаҳарчалар ҳудудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш ва ободонлаштириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар барчанинг ҳавасини келтиради.

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ

халқимиз тинчлигини кўз қорачиғидек асрашга ҳар томонлама қодир

Умид ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқитувчиси, подполковник

Айниқса, кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланди. Халқимиз ва ҳарбийларимизнинг ҳамжиҳатлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Юртдошларимиз орасида фарзандини ҳарбий соҳага ўқитиш иштиёқи тобора ошмоқда. Армия сафларида йигитлик бурчини ўташ ҳозирги ёшларнинг катта мақсадларидан бирига айланди.

Минтақамизда очиқлик ва миллий манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш тамойилларига асосланган ҳолда, Марказий Осиёдаги қўшни давлатларнинг юқори даражадаги ҳарбий делегация раҳбарлари билан ҳарбий соҳада яқин шериклик алоқалари ўрнатилди, қўшма меморандумлар имзоланди. Шунингдек, ҳарбий дала ўқув майдонларида амалий қўшма ўқув машғулотлари биргаликда ўтказилди. Натижада тезкор ва жанговар тайёргарлик борасида тажриба алмашдик. Бизнинг тобора кучайиб бораётган бундай ҳамкорлигимиз бугунги кунда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё деб аталмиш умумий уйимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Қуролли Кучлар академиясида бошқарувнинг тезкор-стратегик бўғинида хизмат қиладиган офицер кадрларни тайёрлайдиган янги факультет ташкил этилди. Шу билан бирга, Махсус вазифаларни бажарадиган бўлинмалар учун ҳарбий хизматчилар тайёрлайдиган ихтисослаштирилган ўқув марказ Миллий гвардия тасарруфида ташкил этилиши фикримизнинг исботи, деб ўйлайман.

Бугун ҳарбийларимиз ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армиясининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Халқаро ҳарбий ўқув мусобақалари, армиялар ўртасидаги ва спорт беллашувларида, жаҳон ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда, айниқса, олимпиадаларда Қуролли Кучларимиз ҳарбий хизматчилари юртимиз байроғини баланд кўтармоқда. Ўзларининг маҳорати, руҳан ва жисмонан бақувватлиги, ғалабага ишончини намоён этиб, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканларини яққол кўрсатмоқда. Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси халқимизда, айниқса, ёшларимизда миллий армиямиз билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини юксалтирмоқда.

Халқ ва армия ўртасида ишончли кўприкка айланган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятида муайян ютуқлар кўзга ташланяпти. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буён “Халқ ва армия — бир тану бир жондир” деган шиор остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилгани таҳсинга лойиқ.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида бугун Ўзбекистон Қуролли Кучлари юртимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишнинг чинакам кафолати бўлмоқда.

Бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларимизни янада самарали ташкил этишни биз, ҳарбийлар энг устувор вазифамиз деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ана шундай эзгу мақсад ва марраларга эришишга, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини, юртимизнинг мусаффо осмонини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳар томонлама қодирмиз.

Мен ва жанговар ҳарбий биродарларимиз ўзимизнинг муқаддас қасамёдимизга содиқ қолиб, хизмат бурчини ҳар қандай шароитда сидқидилдан бажаришга ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашга доимо тайёрмиз.

Жаҳон халқлари оғзаки ижоди меросига ўзининг эртаклари, қўшиқлари, мақолу топишмоқлари, аскияси, айниқса, достонлари билан муносиб ҳисса қўшган миллат мақомига эгамиз. Дунёда “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби туркум достонлари даражасидаги халқ қаҳрамонлик эпосига эга халқлар бармоқ билан санарли.
Биз ота-боболаримиз, момоларимиз ўз вақтида эшитиб, баҳраманд бўлган достонлар — “Рустамхон”, “Алпомиш”, “Гўрўғлининг туғилиши”, “Маликаи айёр” каби гўзал ижод дурдоналарини бугунги кунда ҳам тинглай оламиз.

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ

ХАЛҚНИ ҲАҚИҚАТ ВА ОРИЯТ МАНЗИЛЛАРИГА БОШЛОВЧИ САНЪАТ

Бахтиёр АҲМЕДОВ,
Республика бахшичилик санъати маркази давлат муассасаси бўлим бошлиғи

Азалдан халқимизнинг тўй, базм ва байрамлари бахшилар иштирокисиз ўтмагани улар халқнинг руҳию феълини яқиндан билишида муҳим омил бўлади. Шу боис, бахши борини рост сўзлайди, у халқ дилининг тили, у шунчаки қўшиқ, терма, достон куйламайди. Азалдан бахшилар дўмбира чертиб, қўшиқ куйлаб одамларни олға ундаган, уларга мадад бўлган. Шу сабабдан бўлса керак, “Бахшили эл — бахтли эл” ибораси бежиз айтилмаган. Бахши одамларни эзгу амалларга чорлайди, яхшини ибрат қилиб, ёвузлик лашкари сари курашга ундайди. Қийин шароитда эл кўнглига далда бўла олади. Бефарқлик ботқоғига ботиб, чўккан руҳларни уйғотиб, халқни ҳақиқат ва орият манзилларига йўллайди. Чинакам бахши элнинг доно маслаҳатгўйи ҳисобланади.

Халқимизнинг оғзаки ижод соҳасидаги қадим анъаналарини давом эттирган бахши шоирлар юртимизда кўплаб топилади. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Умир шоир Сафаров, Қодир бахши Раҳимов, Азим бахши Хўжаев ва бошқалар шулар жумласидан. Улар халқ достонларини ёддан билишдан ташқари, ўзлари ҳам замонавий мавзуларда термалар ижро этган.

Достонларимизнинг тили ниҳоятда енгил ва равон бўлиб, ранг-баранг бадиийлиги, тил воситалари халқимизнинг бой сўз хазинаси, кенг тафаккур дунёсини намоён этади. Биз билган “Қўрғон”, “Булунғур”, “Нарпай”, “Шеробод”, “Бойсун”, “Шаҳрисабз-Китоб”, “Хива” ва яна ўнлаб достончилик мактаблари вакилларининг бой ижоди ўзбек халқининг эпик мероси, маънавий хазинамизнинг дурдоналари бўлиб турибди.

Халқ оғзаки ижодидаги достонлар ёзма адабиётдаги достонлардан фантазия кўлами, ажабтовур воқеалар, ақл бовар қилмас қаҳрамонликлар тасвири билан фарқ қилади. Шундай экан, келажак авлодга бу хазинани бус-бутунлигича етказиш масъулияти ҳар бир юксак маънавият эгасини бу нодир меросни асраб-авайлашга ундайди.

Ҳозир мамлакатимиз бўйлаб халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, тўплаш, ўрганиш ишлари давом этмоқда. Эътиборли жиҳати ёзиб олинаётган достонлар китоб ва электрон кўринишда (ДВД,СД) тайёрланяпти. Уларнинг бу тарзда ўқувчиларга ҳавола этилаётгани халқ оғзаки ижодини кенгроқ тарғиб этиш, китобхонлар, тингловчи ва томошабинлар оммасига яқинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, халқ оғзаки ижоди бамисли бир уммон, унинг тубида яна қанча нодир жавоҳирлар ўз ғаввосларини кутмоқда. Бошланган хайрли ишлар, давлат томонидан қаратилаётган эътибор эса, бу бой мероснинг муҳофазасини таъминлайди, умрини узайтиради.

Кейинги йилларда фольклорнинг алп жанри бўлмиш достонларга ва халқ эпосининг ижрочилари — бахши-шоирларга бўлаётган эътибор алоҳида диққатга сазовордир. “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони таъсис этилгани ва муносиб эгаларини топаётгани, ёш умидли бахшиларнинг эса, “Ниҳол” мукофоти билан тақдирланаётгани ушбу санъатнинг янада ривож топишига замин яратди.

Бугунги кунда Шоберди Болтаев, Хўшбоқ Морданақулов, Абдуназар Поёнов, Сафар Шойдулов, Маҳматмурод Ражабов, Қаҳҳор Раҳимов, Бойқўчқор Аҳмедов, Очил Чоршанбиев, Абдумурод Раҳимов, Бахтиёр Ортиқов, Равшан Маматмуродов, Муҳаммади Эшбоев, Зулхумор Шерназарова каби ўнлаб бахши-шоирлар, бетакрор истеъдод соҳиблари самарали фаолият юритиб, ноёб ва нафис санъатимизни дунё миқёсида тарғиб этиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда бу қадимий санъат турини асраб-авайлаш, ривожлантириш ва оммалаштириш мақсадида ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда бир бор халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилиши белгиланди. Фестиваль илк бор 2019 йил Термиз шаҳрида, 2021 йил эса, Нукус шаҳрида юқори савияда ўтказилди. Шунингдек, Термиз шаҳрида Республика бахшичилик санъати маркази ҳамда Республика бахшичилик санъати мактаб-интернатининг ташкил этилиши ҳам соҳага қаратилаётган юксак эътибор намунасидир. Яратилаётган бу каби шароитлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз Республика бахшичилик санъати мактаб-интернати ва ҳудудлардаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида устоз бахшилардан бахшичилик сирларини катта қизиқиш билан ўрганаяпти. Айни пайтда мазкур таълим муассасаларида энг моҳир бахшилар сабоқ бермоқда. Истеъдодли ёшлар эса турли кўрик-танлов, фестиваль ва бошқа маданий тадбирларда ғурур-ифтихор билан ўз маҳоратларини намойиш этиб келаётир.

2021 йилнинг 16 декабрь куни ЮНЕСКО Номоддий маданий меросни асраш бўйича ҳукуматлараро қўмитаси томонидан ўзбек Бахшичилик санъати Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилгани маданият арбоблари, устоз бахшилар ва иқтидорли ёшларимиз, фольклор санъатининг барча ихлосмандлари, кўпмиллатли халқимизга катта ғурур ва ифтихор бахш этди. Бу дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, ранг-баранг ижодий мактаблар ва изчил ривожланиш силсиласига эга бўлган ноёб бахшичилик санъатига улкан ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодаси экани яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар самараси ўлароқ, бахшичилик санъатини ривожлантириш йўлида эришган ушбу улкан натижалар бизни руҳлантириб, янада юксак марраларга чорлайди. Номоддий маданий меросимизнинг ушбу ноёб дурдонасини асраш, ривожлантириш ва оммалаштириш, жумладан, бахшиларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодини халқаро миқёсда тарғиб этиш ва мазкур санъат тури ихлосмандларига олам-олам қувонч улашиш йўлида тўхтамаслигимиз зарур.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

САМАРҚАНД АДАБИЙ МУҲИТИ
муттасил ривожланиб, такомиллашмоқда

Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

Самарқанд адабий муҳити тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бу адабий муҳит, айниқса, темурийлар даврида янада гуллаб яшнади, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлди. Тасаввур қилиб кўринг: қайси адабий муҳитдан Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек мутафаккир шоирлар етишиб чиққан? Фақат ва фақат Самарқанд адабий муҳитининг мазкур даъвога маънавий ҳаққи бор, деб ўйлайман.

Ўтган асрнинг йигирманчи-қирқинчи йилларига келиб, Самарқанд адабий муҳитида Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Саидризо Ализода, Садриддин Айний, Миртемир, Ҳамид Олимжон, Шароф Рашидов каби ижодкорлар номи кўрина бошлади. Номлари зикр этилган олиму адибларсиз эса йигирманчи аср ўзбек адабиётини ҳам, адабиётшунослигини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Бу жараён ҳеч қачон сўнмаган, тўхтаб қолмаган, балки тараққий этган, муттасил ривожланган. ХХ асрнинг иккинчи ярмига келиб, Воҳид Абдулло, Орифжон Икромов, Нуриддин Шукуров, Ботирхон Валихўжаев, Ғайбулла ас-Салом, Барот Бойқобилов, Душан Файзий, Омон Матжон каби Самарқанд адабий муҳитининг дарғалари майдонга чиқди.

Самарқанд адабий муҳитини даврлар билан қиёслаганимизда Ҳамид Олимжон ва Орифжон Икромов номини алоҳида фахр билан тилга оламиз. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси ва бетакрор Ватан куйчиси сифатида халқимиз қалбидан муносиб ўрин олган бўлса, Орифжон Икромов ҳам шоир, ҳам олим, ҳам кўп инсоний фазилатлари билан минглаб қалбларни забт этган эди.

Самарқанд адабий муҳити ҳақида сўз юритганда, албатта, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, филология фанлари доктори, Самарқанд давлат университети профессори Ҳотам Умуров номи ҳам алоҳида тилга олинади. У Ҳамид Олимжоннинг жияни, Орифжон Икромовнинг укаси бўлади. Ушбу фан ижодкорининг томирида қандай улуғ инсонлар қони оқаётганини англатиш учун ҳам фикримизни узоқдан бошлаганимиз бежиз эмас.

Мана ярим асрдирки, Самарқанд адабий муҳитида бу инсоннинг ўз ўрни бор. Олим нафақат Самарқанд, балки бутун мамлакатимизда маълум ва машҳур. Назаримда, домладай кўп ва хўб китоб ёзган, чоп эттирган бошқа олим бўлмаса керак. У мунтазам Ҳамид Олимжон ижодини тарғиб қилди, Зулфияхоним асарларини ўрганди, таҳлил қилди. Ўтган давр ичида ўз илмий-ижодий ишларини педагоглик соҳаси билан ёнма-ён олиб борди.

Олим ҳозирги замон ўзбек адабиёти фани ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшган. Бу улушни бемалол учга бўлиш мумкин. Биринчиси, у яратган монографиялар, илмий-тадқиқот ишлари, ўқув қўлланмалар, дарсликлар, мақолалар, бадиий ижод намуналари. Иккинчиси, домланинг илмий раҳбарлигида тайёрланган диссертациялар, шогирдлари, издошлари. Учинчиси, олимнинг педагоглик фаолияти.

Бадиий асарни таҳлил қилиш, фикр билдириш борасида ҳамманинг ўз даражаси бор, албатта. Лекин ҳамма ҳам адабиёт назариясидай оғир ва

мураккаб, сермашаққат соҳага қўл уришга жазм қилавермайди. Бу борада Фитрат ва Иззат Султондан сўнг Ҳотам Умуровнинг “Адабиёт назарияси” дарслиги адабий жараёнда ўзига хос воқеа бўлган эди.

Бу ҳақда “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, академик Азиз Қаюмов шундай ёзганди: *“2003 йил май ойида профессор Ҳотам Умуров Самарқанд давлат университетида менга ўзининг янги китобини тақдим этди. Тошкентга қайтгач, бу китобни диққат билан ўқиб чиқдим. У “Адабиёт назарияси” дарслигидир. Бу китоб менга мақбул бўлди. Унда адабиёт назариясига оид қоидалар жуда тўғри ва билимдонлик билан баён этилган”.*

Ҳассос олим бугунги адабий жараёнларга ҳам бефарқ эмас. Ҳамон ўқийди, изланади, ўз устида ишлайди. Умрнинг ҳар бир лаҳзасини қадрлайди. Унумли фойдаланади. Ёшларни ҳам шунга даъват этади. Аслида баракали умр деганлари шу бўлса керак...

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

САЛОМАТЛИК ЙЎЛАКЛАРИ — УЗОҚ УМР САРИ ЙЎЛ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, инсон соғлиғининг 60 фоизи соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ. Унинг асосий тамойилларидан бири эса, жисмоний фаолликдир.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жисмоний фаоллик ҳақида гап борар экан, кўпчилик бунинг учун спортнинг у ёки бу тури билан доимий шуғулланиш лозим деб ўйлайди. Аммо мутахассислар бу борада югуриш, пиёда юришни кўп вақт ва ресурс талаб этмайдиган энг самарали, оммабоп усуллардан эканини алоҳида эътироф этади. Шифокорларнинг қайд этишича, доим пиёда юрган инсон барча қон томирлар, жумладан, лимфалар ҳаракатланишини йўлга қўяди. Бу билан организмдаги барча ортиқча туз ва токсинлар чиқиб кетади. Натижада тана тозаланиб, инсон енгил ҳаракатланади, соғлиғи яхшиланади ва умри узаяди.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ тадбирларни ташкил этишда ана шу жиҳатлар эътиборга олиниб, аҳолининг жисмоний фаоллигини ошириш, оммавий спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги **“Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги** қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Мазкур қарор асосида юртимизда қатор боради. 12 гектар майдоннинг 9 гектари яшил ҳудуддан иборат бўлган мазкур боғ кўплаб юртдошларимиз қатори Оқибат маҳалласи аҳлига ҳам бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун қулай инфратузилмадир. Маҳалла фаоллари боғ маъмурияти билан ҳамкорликда бу ерда тез-тез оммавий спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиб туради.

— Жисмоний фаоллик соғлом ва узоқ умр кечиришнинг асоси, саломатлик мезонидир, — дейди маҳалла фаоли Мукамбар Собирова. — Бироқ илгари кўп қаватли уйлар атрофида ноқонуний қурилмалар қурилар, пиёдалар юриши учун алоҳида йўлаклар йўқ эди. Кейинги йилларда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш жараёнида аҳоли, айниқса, болалар учун ўйин майдонлари, саломатлик йўлаклари барпо этилгани айни муддао бўлди. Эндиликда кексаларимиз набираларини етаклаб кўчаларда бемалол сайр қилади. Фарзандларимиз ўйин майдонларида бўш вақтини мазмунли ўтказади, жисмонан чиниқади. Бу имконият ҳар биримизнинг соғлиғимизга эътиборимизни кучайтирмоқда. Маҳалламизда эрталаб саломатлик йўлаклари бўйлаб пиёда сайр қилиш, югуриш анъанага айланяпти. Табийки, бу аҳоли саломатлик кўрсаткичини яхшилаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини кучайтиришга хизмат қилади.

муҳим спорт-соғломлаштириш лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, маҳаллаларда пиёда ва велосипедда юриш учун саломатлик йўлаклари барпо этилди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Оқибат маҳалласида барпо этилган шундай йўлакча бўйлаб борар эканмиз, бир гуруҳ нуронийларнинг сайр қилиб юрганига гувоҳ бўлдик. Замонавий андозалар асосида барпо этилган маҳалла гузарига кириб борганимизда, иш айни қизиган палла эди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Муяссар Йўлдошева одатдагидек бугун ҳам кун тартиби тиғизлиги, маҳаллада турли маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари режалаштирилганини маълум қилди.

Оқибат маҳалласидаги 22 та кўп қаватли уйда икки ярим мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. “Обод маҳалла” дастури доирасида кўп қаватли уйлар олдида бешта замонавий болалар ўйин майдончаси барпо этилиб, қурилмалар билан жиҳозланган. Мини-футбол майдончаси ҳам эрта-ю кеч ёшлар билан гавжум. Бу имкониятдан оқилона фойдаланаётган маҳалла ёшлари туман миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида бир неча бор ғолиб бўлган.

Маҳалла фаоллари аҳолининг барча қатлами, айниқса, кексаларни оммавий спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳалла гузарида малакали тренер иштирокида йога машғулотлари ўтказилмоқда, ҳафтанинг ҳар шанбаси саломатлик куни, деб эълон қилинган. Шу куни аҳоли ва ёшлар ўртасида турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари, беллашувлар уюштирилади.

Маҳалла ҳудудида ташкил этилган саломатлик йўлаги бўйлаб пиёда ва велосипедда ҳеч қандай тўсиқсиз, эркин ҳаракатланиш, сайр қилиш мумкин. Кўча бўйлаб юрсангиз, йўл тўппа-тўғри Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Тошкент марказий Экобоғига олиб

Маҳаллада шаклланаётган бундай эзгу анъана ва ташаббуслар бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган “Соғлом турмуш тарзи ривожланган маҳалла” танловида алоҳида эътироф этилди.

— Мазкур танловдан мақсад, аҳолининг соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий кўникмасини ривожлантириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий спорт тадбирларини тизимли ва самарали ташкил этиш учун зарур инфратузилма, тегишли шароитлар яратишдир, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги кексалар ва фахрийлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси Фариза Умарова. — 2021 йилнинг учинчи чораги якунларига кўра, танловда республикада мавжуд 9 минг 259 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 7 минг 998 таси иштирок этди. Танлов доирасида ўтказилган тадбирларда 1 минг 630 минг 375 нафар фуқаронинг иштироки таъминланди.

Бундан ташқари, мамлакат бўйлаб ташкил этилган “Кексалар учун туризм ойлиги”да маҳаллаларда “Саломатлик учун беш минг қадам” шиори остида пиёда юриш ташкил этилиб, ушбу тадбирларга уч миллион нафардан зиёд аҳоли жалб этилди.

Шунингдек, шахмат-шашка, волейбол, мини-футбол, стол тенниси бўйича спорт мусобақаларида ҳам нуронийлар фаол иштирок этди. Қарийб тўрт юз минг нафар кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, эзгу қадриятлар бешиги бўлган маҳаллаларимизда анъаналаримиз давом этиши баробарида янгича маъно ва мазмун билан бойиб бораётир. Бу хайрли ишлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 31.
18715 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:55 Топширилди — 00:45

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz